

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛЕВ АЛИАКБАР ХАМИДУЛЛАЕВИЧ

**СТОХАСТИК ҲОЛАТ КУЗАТУВЧИЛАРИ АСОСИДА ТЕХНОЛОГИК
ОБЪЕКТЛАРНИ АДАПТИВ БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИНИ
СИНТЕЗЛАШНИНГ АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Расулев Алиакбар Хамидуллаевич

Стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг алгоритмлари.....3

Расулев Алиакбар Хамидуллаевич

Алгоритмы синтеза систем адаптивного управления технологическими объектами на основе стохастических наблюдателей состояния21

Rasulev Aliakbar Hamidullayevich

Synthesis algorithms of adaptive control systems of technological objects based on stochastic state observers39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛЕВ АЛИАКБАР ХАМИДУЛЛАЕВИЧ

**СТОХАСТИК ҲОЛАТ КУЗАТУВЧИЛАРИ АСОСИДА ТЕХНОЛОГИК
ОБЪЕКТЛАРНИ АДАПТИВ БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИНИ
СИНТЕЗЛАШНИНГ АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.3.PhD/Т312 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Игамбердиев Хусан Закирович**
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Каипбергенов Батирбек Тулепбергенович**
техника фанлари доктори, профессор
Туляганов Шухрат Дильшатович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (86 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.Р.Юсупбеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

У.Ф.Мамиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.М.Назаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш соҳасида турли функционал вазифалардаги технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш алгоритмлари ва усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги бир неча йилларда ушбу талаблар, қарор қабул қилиш бўйича юқори даражали имкониятларга эга янада мукамалроқ бошқариш системаларини яратишни талаб қиладиган, динамикаси тўлиқ ёки қисман маълум жараёнларни тадқиқ қилишга нисбатан ўзгармоқда. Бу борада стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланмоқда. Ривожланган мамлакатларда технологик жараёнларни идентификациялаш, динамик баҳолаш, адаптив бошқаришнинг назарий масалаларини ечиш ва уларни турли саноат соҳаларида амалий қўлланилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда турли технологик жараёнларни бошқариш сифатини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бугунги кунда автоматлаштириш ва бошқариш йўналишига, жумладан турли технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқаришда энергия ва ресурс тежамкорликни таъминловчи такомиллаштирилган бошқариш системаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини яратиш ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ–3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш тадқиқотларига тааллуқли сўнгги йиллардаги илмий-техник адабиётлар таҳлили ушбу соҳада салмоқли назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан дарак беради. Адаптив бошқариш системаларини синтезлаш муаммоларига бағишланган кўп сондаги ишлар нашр этилган бўлиб, уларда ишлаб чиқилган умумназарий концепциялар, ечилган амалий масалалар сони ортиб бормоқда. Адаптив бошқариш системалари ривожига Т.Çimen, Т.Науакawa, R.Kalman, M.Perrier, A.Robertsson, N.P.Semichevskaya, L.Xu, Е.В.Александров, Г.М.Бакан, Д.В.Баландин, Б.Л.Бимбиреков, А.А.Бобцов, Д.А.Даденков, Д.В.Ефимов, А.Н.Жирабок, И.Е.Зубер, А.Г.Ильина, М.М.Коган, С.К.Коровин, В.В.Косьянчук, С.А.Краснова, Н.Т.Кузовков, Ю.В.Михеев, В.О.Никифоров, А.Е.Поляков, К.А.Поляков, Б.И.Прокопов, А.А.Пиркин, В.В.Сахаров, В.А.Уткин, В.В.Фомичев, И.Б.Фуртат, А.В.Шилов, А.А.Шлопак каби кўплаб хорижлик олимлар, шунингдек мамлакатимиздан Б.М.Азимов, Т.Ф.Бекмуратов, Ш.М.Гулямов, О.О.Зарипов, Х.З.Игамбердиев, А.А.Кадиров, Н.З.Камалов, М.М.Камилов, А.Р.Марахимов, И.Х.Сиддиқов, Ш.Х.Фозилов, Н.Р.Юсупбеков ва бошқа олимлар ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшишган.

Шу билан биргаликда, илмий тадқиқотлар доирасининг доимий кенгайиши ва мураккаблашуви адаптив ҳолат кузатувчиларини синтезлашнинг самарали янги усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишни талаб этади. Юқорида келтирилганлардан стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг самарадор алгоритмларини яратиш ва янада такомиллаштиришнинг ниҳоятда долзарблиги келиб чиқади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг ЁФ-4-06 – «Созланувчи модели адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг мунтазам усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш» (2012-2013); А-5-42 – «Априор ноаниқлик шароитларида технологик объектларни автоматлаштирилган бошқариш ва мониторингини интеллектуаллаштиришни дастурий-инструментал воситалари» (2015-2017); ОТ-Ф4-78 – «Идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг назарий асослари ва мунтазам усуллари ишлаб чиқиш» (2017-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш

алгоритмлари ва уларни амалга оширишнинг ҳисоблаш схемаларини ишлаб чиқиш иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмлари ривожланишини тизимли таҳлил қилиш;

чизиқли системалар ғалаёнларини кузатувчи қурилма учун бошланғич шартларни барқарор баҳолашни ишлаб чиқиш;

пасайтирилган тартибли кузатувчини синтезлашнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ташқи таъсирларни операторли акс эттириш асосида кузатувчи қурилмаларни синтезлашнинг итерацион алгоритмларини ишлаб чиқиш;

чизиқли стационар системалар учун адаптив кузатувчини мунтазам синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

динамик объектларни бошқариш системаларидаги адаптив кузатувчиларни синтезлашнинг турғун алгоритмларини ишлаб чиқиш;

стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларнинг адаптив бошқариш системаларини синтезлаш алгоритмлари ва ҳисоблаш схемасини ишлаб чиқилган алгоритмлари ва ҳисоблаш схемаларини амалий синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг мунтазам усуллари ва алгоритмлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тизимли таҳлил, идентификациялаш, баҳолаш, адаптив бошқариш ва нокоррект қўйилган масалаларни ечиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

етарлича аниқланмаган матрицаларни турғун мавҳум ўзгартириш усуллари асосида динамик системаларнинг ҳолатлари ва ғалаёнларини баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

соддалаштирилган мунтазамлаштиришнинг ретроспектив ва итерацион усуллари асосида адаптив кузатувчини синтезлашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

бошқариш объектининг ҳолат вектори ва номаълум параметрларига мослашувчи кузатувчи қурилмаларни синтезлашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

кенгайтирилган матрицаларни меъёрлаштирилган ажратиш асосида бошқарилувчи объектларнинг параметрларини адаптив кузатувчиларини синтезлашнинг мунтазам итерацион алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

саноат тажрибаларининг натижалари асосида табиий газ ишлаб чиқаришдаги газ аралашмаларини адсорбцион ажратиш жараёнининг математик моделлари ишлаб чиқилган;

газли аралашмаларни адсорбцион ажратишнинг технологик

жараёнларини адаптив бошқариш ва автоматлаштиришнинг структуравий ва функционал схемалари ишлаб чиқилган;

газли аралашмаларни адсорбцион ажратишнинг технологик жараёнини бошқариш системаси, жараён кечишининг технологик режимларини барқарорлаш ва унинг самарадорлигини ошириш имконини берадиган, мос техник таъминот билан таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг олинган натижаларини ишончлилиги услубий асосланган назарий асосларнинг бажарилиши; динамик объектларни адаптив бошқаришнинг назарий асосланган концепцияларини қўлланилиши; замонавий автоматик бошқариш назариясининг синовдан ўтказилган усуллари ва алгоритмларидан фойдаланилиши; адаптив бошқаришнинг таклиф этилган усуллари ва алгоритмларини талаб этилган даражадаги мувофиқлиги; назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг, қарор қабул қилиш бўйича юқори даражадаги имкониятларга эга янада такомиллашган бошқариш системаларини синтезлаш имконини берадиган, конструктив алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш масалаларини математик ва алгоритмик таъминотларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Ишлаб чиқилган алгоритмлар узлуксиз характерли технологик жараёнларни адаптив бошқариш системалари функционал структураларини қуриш ва лойиҳаларини автоматлаштиришда кенг қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Стохастик ҳолат кузатувчиларидан фойдаланиб, технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашдан олинган натижалар асосида:

етарлича аниқланмаган матрицаларни турғун мавҳум ўзгартириш усуллари асосида динамик системаларни ҳолат ва ғалаёнларини баҳолашнинг ишлаб чиқилган алгоритмлари «Муборак ГҚИЗ» МЧЖ да жорий қилинган («Ўзнефтгазқазибчиқариш» АЖ нинг 2019 йил 30 январдаги 05/09-56ж-сон маълумотномаси). Натижада ростлагичларнинг параметрларини ҳисоблаш аниқлиги ошган;

соддалаштирилган мунтазамлаштиришнинг ретроспектив ва итерацион усуллари асосида адаптив кузатувчини синтезлашнинг ишлаб чиқилган мунтазам алгоритмлари «Муборак ГҚИЗ» МЧЖ да жорий қилинган («Ўзнефтгазқазибчиқариш» АЖ нинг 2019 йил 30 январдаги 05/09-56ж-сон маълумотномаси). Натижада алгоритмлар газли аралашмаларни адсорбцион ажратиш жараёнини боришининг технологик режимларини барқарорлаш имконини берган;

бошқариш объектининг ҳолат вектори ва номаълум параметрларига мослашувчи кузатиш қурилмаларини синтезлашнинг ишлаб чиқилган турғун

алгоритмлари «Муборак ГҚИЗ» МЧЖ да жорий қилинган («Ўзнефтгазқазибчиқариш» АЖ нинг 2019 йил 30 январдаги 05/09-56ж-сон маълумотномаси). Натижада объектнинг параметрлари ва ғалаёнларни аниқлаш аниқлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 3 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мазуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, ЎзР ОАК эътироф этган илмий журналларда 9 та мақола, шундан 2 таси хорижий, 7 таси республика журналларида, 11 та тезислар халқаро ва республика анжуманларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда ўтказилган диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Ҳолат кузатувчилари асосида адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг усуллари ва концепциялари» номли биринчи бобда ҳолат кузатувчилари асосидаги динамик объектларни адаптив бошқариш системалари, ноаниқлик шароитларида динамик системаларнинг ҳолатларини баҳолаш усуллари ва алгоритмлари, ҳолат кузатувчиларига эга адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усуллари, тадқиқот мақсади ва вазифаларини қўйилиши келтирилган.

Турли даражадаги модели ноаниқликлар шароитида адаптив алгоритмларни баҳолашни амалга оширилиши кўриб чиқиладиган масалаларнинг ёмон шартланганлиги сабабли юзага келадиган кўпгина ҳисоблаш қийинчиликларига дуч келади ва бу йўналишдан чалғишга олиб келиши мумкин. Бундай шароитларда адаптив стохастик бошқаришнинг типик схемалари иш қобилиятларини таъминлаш ва мослашиш жараёнларини мувофиқлигини таъминловчи, турли функционал вазифалардаги ҳолат кузатувчиларини синтезлаш усуллари ривожланиш масалалари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳолат кузатувчиларини синтезлаш масалаларини ечишда бошқарилувчи объектлар динамикасининг тесқари масалалари концепциялари ва мунтазам усулларида фойдаланишга асосланувчи ёндашув ниҳоятда сермаҳсул ҳисобланади. Келтирилган ҳолат

стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини мунтазам синтезлашнинг усуллари ва алгоритмларини яратиш ва уларни амалга оширишнинг ҳисоблаш схемаларини синтезлашнинг зарурлигини кўрсатади. Юқорида баён этилган хулосалар стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини мунтазам синтезлашнинг усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришнинг аниқ технологик жараёнларини автоматлаштириш ва бошқариш масалаларини ечишда амалий қўллашга бағишланган ушбу диссертация ишининг мақсадини қўйилишини белгилаб берди.

Диссертациянинг «**Бошқариш объектларининг стохастик ҳолат кузатувчиларини синтезлашнинг турғун рекуррент алгоритмларини ишлаб чиқиш**» номли иккинчи боби ғалаёнлар кузатувчиларини синтезлаш, ғалаёнларини кузатувчи қурилмалар учун бошланғич шартларни барқарор баҳолаш, пасайтирилган тартибли кузатувчиларни синтезлаш, ташқи таъсирларни операторли акс эттириш асосида кузатувчи қурилмаларни синтезлашнинг алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Бошқариш масалаларида жуда кўп ҳолларда чизиқли системаларнинг ғалаёнларини кузатувчи қурилмалари учун бошланғич шартларни барқарор баҳолаш алгоритмларини қуриш масалалари юзага келади. Бундай масалаларни ечишнинг самарадорлиги объект ҳолатини баҳолаш аниқлигига боғлиқ.

Қуйидаги тенглама билан тавсифланадиган бошқариш объектини кўриб чиқамиз:

$$\begin{aligned}x_{k+1} &= Ax_k + Bu_k + Fw_k, \\y_k &= Cx_k,\end{aligned}\tag{1}$$

бу ерда: $x_k \in R^n$ – ҳолат ўзгарувчиларининг вектори; $u \in R^m$ – бошқариш таъсирлари вектори; $y \in R^p$ – ўлчанадиган чиқиш ўзгарувчилари вектори; $w \in R^r$ – ташқи муҳит ғалаёнларининг вектор-функцияси; $A \in R^{n \times n}$ – бошқариш объекти динамикасининг матрицаси; $B \in R^{n \times m}$ – бошқарилувчи киришлар матрицаси; $C \in R^{p \times n}$ – чиқишлар матрицаси; $F \in R^{n \times r}$ – ғалаён таъсирлари киришларининг матрицаси.

Ташқи муҳитни тавсифлаш учун одатда унинг қуйидаги модели қабул қилинади:

$$\xi_{k+1} = G\xi_k; \quad w_k = H\xi_k,\tag{2}$$

бу ерда: $\xi \in R^v$ – ташқи муҳит ҳолати ўзгарувчиларининг вектори; $G \in R^{v \times v}$ – динамикасининг матрицаси; $H \in R^{r \times v}$ – ғалаёнлар учун чиқишлар матрицаси.

Унда кузатувчининг тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$z_{k+1} = (G - LH)z_k + [(G - LH)LP - LPA]x_k,\tag{3}$$

бу ерда: $z_k = \hat{\xi}_k - Lf_k$. Қандайдир $z_0 = z(k_0)$ учун (3) тенгламанинг ечими $\hat{\xi}_k = z_k + LPx_k$ дан иборат, демак қидирилаётган баҳо:

$$\hat{w}_k = H\hat{\xi}_k = H[z_k + LPx_k].\tag{4}$$

Унда, юқорида келтирилган ифодалар асосида ҳамда кузатувчи курилмаларни куриш усулига асосланиб, қуйидаги тенгламаларни ёзиш мумкин:

$$\hat{x}_{k+1} = (A - KC)\hat{x}_k + F\hat{w}_k + Ky_k, \quad (5)$$

$$\hat{z}_{k+1} = (G - LH)\hat{z}_k + [(G - LH)LP - LP(A - KC)]\hat{x}_k - LPKy_k, \quad (6)$$

$$\text{ихтиёрий } k \geq k_0 \text{ да } \hat{w}_k = H[\hat{z}_k + LP\hat{x}_k]. \quad (7)$$

(5) ва (6) учун бошланғич шартларни қуйидаги кўринишда берамиз:

$$\hat{x}(t_0) = \hat{x}_0 = C^+ y(k_0) = C^T (CC^T)^{-1} y(k_0), \quad \hat{z}(k_0) = \hat{z}_0 = -LP\hat{x}_0. \quad (8)$$

Шундай қилиб, синтезланаётган кузатувчининг аниқлиги $\hat{x}(t_0)$ ва $\hat{z}(k_0)$ бошланғич маълумотларнинг берилиш аниқлигига боғлиқ бўлади. Матрица C нинг у ёки бу ажратилишидан фойдаланувчи C^+ турғун ҳисоблаш алгоритмини кўриб чиқамиз. Агар $\text{rank}C = p$ ($p \leq n$ бўлганда $C \in R^{p \times n}$) бўлса, матрица C га мавҳум тесқари матрица – Гауссинг иккинчи трансформацияси билан аниқланувчи C^+ эканлигини эътиборга олган ҳолда ёзамиз:

$$C^+ = C^T (CC^T)^{-1}. \quad (9)$$

Матрица C ни ўзгартиришда, шунингдек (9) ифодадаги $Q = CC^T$ ни ҳисоблашга асосланган усулдан ҳам фойдаланиш мумкин. Q матрица $r < p$ рангли $p \times p$ тартибли симметрик номанфий аниқланган матрица эканлигини эътиборга олсак, у ҳолда:

$$Q^+ = T^T (TT^T + \alpha I)^{-2} T, \quad Q = T^T T.$$

Бу ерда мунтазамлаштириш параметри α ни модели мисоллар асосида аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек (9) тенгламани ечишда шкалаланмаган ковариацион матрица деб номланувчи $Z = (CC^T)^{-1}$, $\text{rank}C = p$ ни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган алгоритмик амаллар ҳам ниҳоятда самарали ҳисобланади.

Келтирилган ифодалар ғалаёнларни кузатувчи курилмалар учун бошланғич шартларни барқарор баҳолашнинг соддалашган ҳисоблаш амалларини синтезлаш имконини беради.

Ташқи таъсирларнинг кузатувчи курилмалари комбинирлашган ва инвариант автоматик системаларнинг бошқарувчи курилмаларида қўлланилади. Бу уларнинг ўтиш ва қарор режимлардаги хоссаларини аҳамиятли даражада яхшилаш имконини беради. Таъсирларни бевосита ўлчашни иложи бўламайдиган ҳолларга ўтган ҳолда, $f(t)$ таъсир тенгламаси оператор шаклида қуйидаги кўринишда ёзилган объектга берилган деб қабул қиламиз:

$$A(D)y(t) = B(D)u(t) + H(D)f(t),$$

бу ерда: $y(t)$, $u(t)$ – чиқиш ўзгаручиси ва объектни бошқаришни мумкин бўлган ўлчашлари; $A(D)$ – n даражали меъёрлаштирилган кўпхад; $B(D)$, $H(D)$ – мос равишда m_0 ва m_1 даражали кўпхадлар, бунда $m_j \leq n$.

$A(D)$, $B(D)$ ва $H(D)$ кўпхадларнинг коэффициентлари доимий ва берилган. Ушбу ҳолда кузатувчи курилманинг тенгламасини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$R(D)\sigma_i(t) = Q_i(D)A(D)y(t) - Q_i(D)B(D)u(t), \quad i = 1, 2, 3, \dots$$

Агар кўпхад қуйидаги кўринишга эга бўлса:

$$R(D) = D^{n+1} + \sum_{i=0}^{n+r-1} \rho_i D^i, \quad Q_0(D) = \sum_{i=0}^{r-1} \chi_i D^i, \quad H(D) = \sum_{i=0}^{m_1} \eta_i D^i, \quad M(D) = \sum_{i=0}^n \mu_i D^i, \quad (10)$$

унда кўрсатилган системани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\Gamma \theta = \rho, \quad (11)$$

бу ерда:

$$\Gamma = \left[\begin{array}{ccc|cc} \eta_0 & & 0 & \beta_0 & 0 \\ \eta_1 & \eta_0 & & \beta_1 & \beta_0 \\ \cdot & \eta_1 & \cdot & \cdot & \beta_1 & \cdot \\ \eta_{m_1} & & \cdot & \eta_0 & \beta_{r-1} & \cdot & \beta_0 \\ & \eta_{m_1} & & | & 1 & \beta_{r-1} & \beta_1 \\ & & \cdot & | & & 1 & \cdot \\ 0 & & \eta_{m_1} & | & 0 & \cdot & \beta_{r-1} \end{array} \right], \quad \theta = \begin{bmatrix} \chi_0 \\ \chi_1 \\ \cdot \\ \chi_{r-1} \\ \mu_0 \\ \mu_1 \\ \cdot \\ \mu_n \end{bmatrix}, \quad \rho = \begin{bmatrix} \rho_0 \\ \rho_1 \\ \cdot \\ \cdot \\ \cdot \\ \cdot \\ \rho_{n+r-1} \\ 1 \end{bmatrix}.$$

(11) тенглама ёмон шартланган бўлиши мумкин ва ушбу тенглама ечимини мунтазамлаштириш учун мунтазам итерацион усуллардан фойдаланамиз. (11) системани ечиш учун қуйидаги итерацион схемадан фойдаланамиз:

$$\beta_r = \beta_{r-1} - (\Gamma^T \Gamma)_h \beta_r + (\Gamma^T \rho^T)_\delta + w_r, \quad r \geq 1, \quad M \|w_k - M w_k\|^2 \leq \varepsilon^2, \quad k = 1, \dots, r$$

Фараз қиламиз, қуйидаги силликлантириш шарти бажарилмоқда:

$$\|(\Gamma^T \Gamma)_h - \Gamma^T \Gamma\| \leq h \leq 1, \quad \|(\Gamma^T \rho^T)_\delta - \Gamma^T \rho^T\| \leq \delta \leq 1.$$

Итерацион жараёни тўхтатишнинг турли қоидалари кўриб чиқилди.

Нокоррект қўйилган масалаларни ечишнинг итерацион усуллари назарияси асосида шуни кўрсатиш мумкин-ки, итерацион жараёни тўхтатишнинг қуйидаги қоидаси:

$$\text{П}_0: \mu = a_1 \delta + a_2 \eta, \quad m = \inf (r \geq 1: \|\beta_r - \beta_{r-1}\| \leq \mu),$$

$$\text{П}_1: \mu = d_1 \delta + d_* \eta, \quad m = \inf (r \geq 0: \|(\Gamma^T \Gamma)_h \beta_r - (\Gamma^T \rho^T)_\delta\| \leq \mu),$$

қуйидаги тўхтатиш қоидалари учун мунтазамлаштиришни таъминлайди:

$$\text{П}_0: \varepsilon \leq c(\delta + h)^2, \quad \text{П}_1: \varepsilon \leq c(\delta + h)^3,$$

бу ерда: m – тўхтатиш моменти; $a_1, a_2, d_1, d_* > \|\beta_*\|$, $\inf \emptyset = \infty, \beta_\infty = 0$.

Келтирилган алгоритмлар, ташқи таъсирларни бевосита ўлчаш имкони бўлмаган ҳолларда, динамик объектларни бошқаришнинг инвариант системаларини синтезлаш масаласини самарали ечиш имконини беради. Бунда ўлчанмайдиган таъсирларнинг олинган баҳолари асимптотик турғунлик хоссаларига эга бўлади.

Шунингдек, бу ерда оптимал динамик филтрлаш назарияси асосида ғалаёнларнинг кузатувчи қурилмаларини ва пасайтирилган тартибли кузатувчини синтезлаш масалалари кўриб чиқилган. Уларни амалга оширишда энг кичик вазнли квадратлар ва бўлинган матрицадан фойдаланиш усуллариининг мунтазамлашган ҳисоблаш схемалари самарали эканлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Бошқариш объектининг стохастик ҳолат кузатувчиларини синтезлашнинг турғун адаптив алгоритмларини ишлаб чиқиш**» номли учинчи ғалаёнларнинг адаптив кузатувчисини синтезлаш, стационар система учун адаптив кузатувчини синтезлаш, бошқариш системаси контуридаги параметрлар идентификатори ва ҳолат баҳолагичига эга бўлган адаптив кузатувчиларни синтезлаш ҳамда объектнинг параметрлари номаълум бўлганда бошқарувчи адаптив кузатувчиларни синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Мураккаб автоматик системаларни таҳлил қилиш ва синтезлаш масалаларида ишлатиладиган математик моделлар реал объектнинг фақатгина соддалаштирилган тавсифи ҳисобланади. Бундай шароитларда кузатувчи қурилмаларни қуриш объектнинг меъёрий фаолият кўрсатиш шароитларида унинг ҳолати ва параметрларини баҳолаш билан боғлиқ.

Қуйидаги кўринишга эга стационар системани кўриб чиқамиз:

$$\begin{aligned} x_{k+1} &= Ax_k + bu_k, \quad x(0) = x_0; \\ y_k &= h^T x_k; \end{aligned} \quad (12)$$

бу ерда: x_k – система ҳолатининг $(n \times 1)$ -вектори; u_k – скаляр кириш; y_k – скаляр чиқиш;

$$A = \begin{pmatrix} -a_1 & 1 & 0 & \dots & 0 \\ -a_2 & 0 & 1 & \dots & 0 \\ \vdots & & & & \vdots \\ -a_{n-1} & 0 & 0 & \dots & 1 \\ -a_n & 0 & 0 & \dots & 0 \end{pmatrix}; \quad b = \begin{pmatrix} b_1 \\ b_2 \\ \vdots \\ b_n \end{pmatrix}; \quad h = \begin{pmatrix} 1 \\ 0 \\ \vdots \\ 0 \end{pmatrix}.$$

Қўйилган масалани ечиш учун (12) системани қуйидаги эквивалент шаклда ёзамиз:

$$x_{k+1} = Cx_k + y_k E \eta + u_k E \beta, \quad x(0) = x_0; \quad (13)$$

бу ерда: C – хусусий қийматлари A матрицанинг хусусий қийматларидан фарқ қилувчи, маълум, доимий, асимптотик турғун $(n \times n)$ -матрица; E – $(n \times n)$ ўлчамли бирлик матрица; $\eta = (c_1 - a_1, \dots, c_n - a_n)^T$, $\beta = [b_1, b_2, \dots, b_n]^T$ – номаълум параметрлар векторлари. Матрица C матрица A нинг кўринишига ўхшаш кўринишга эга.

(13) тенгламанинг ечимини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$x_k = \Phi_k x(0) + R_k \eta + S_k \beta; \quad (14)$$

бу ерда матрицанинг ўзгарувчилари Φ_k , R_k , S_k қуйидаги фарқ тенгламаларини қаноатлантиради:

$$\begin{aligned} \Phi_{k+1} &= C \Phi_k, \quad \Phi_0 = E; \\ R_{k+1} &= C R_k + y_k E, \quad R_0 = 0; \\ S_{k+1} &= C S_k + u_k E, \quad S_0 = 0. \end{aligned} \quad (15)$$

Унда қуйидаги кўринишли тенгламалар системасига ўтиш мумкин:

$$G_k \gamma = f_k, \quad G_k : H \rightarrow F; \quad (16)$$

бу ерда: $G_k = q_k q_k^T$; $f_k = q_k \varepsilon_k$; $q_k^T = [\varphi_{1,k}^T, R_{1,k}^T, S_{1,k}^T]$ – дискрет вақтли маълум функцияларнинг $[1 \times (3n-1)]$ -вектори; $\gamma = [x_{2,0}, \dots, x_{n,0}; \eta_1, \dots, \eta_n; \beta_1, \dots, \beta_n]$ – номаълум

доимий параметрларнинг $[(3n-1) \times 1]$ -вектори; $\varepsilon_k = x_{1,k} - \varphi_{11,k}x_{1,0}$ – маълум скаляр ўлчаш.

(12) система x_k ҳолатининг тўла векторини тиклаш учун табиий-ки куйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$\hat{x}_k = \Phi_k \hat{x}_0 + R_k \hat{\eta} + S_k \hat{\beta}, \quad (17)$$

бу ерда: \hat{x}_0 , $\hat{\eta}$ ва $\hat{\beta}$ – олдиндан номаълум бўлган x_0 , η ва β параметрларнинг баҳолари.

Нотурғун масала (16) ни ечишда силликлантириш шартини $\|f - \bar{f}\| \leq \delta$ кўринишда қабул қиламиз, бу ерда \bar{f} – (16) тенглама ўнг қисмининг аниқ қиймати. Мавҳум ўзгартириш концепциясидан фойдаланамиз. Ушбу ҳолда мавҳум ўзгартириш γ_{f_k} маъно жиҳатидан $G_k^2 \gamma_{f_k} = G_k f_k$ тенгламани қаноатлантиришини эътиборга олган ҳолда, куйидагиларга эга бўламиз:

$$\gamma_\alpha = (\alpha I + G_k)^{-2} G_k^2 \gamma_{f_k}$$

ва

$$\gamma_{f_k} - \gamma_\alpha = \alpha(\alpha I + 2G_k)(\alpha I + G_k)^{-2} \gamma_{f_k}.$$

Унда $\lim_{\alpha \rightarrow 0} \|\gamma_{f_k} - \gamma_\alpha\|_H = 0$, яъни мунтазамлаштириш параметри α кераклича танланганида, кўриб чиқиладиган алгоритм мунтазамлашган ҳисобланади.

Келтирилган ифодалар чизиқли стационар системаларнинг ҳолатлари ва номаълум параметрларини соддалаштирилган мунтазамлаштириш асосида турғун баҳолаш амалини амалга ошириш имконини беради.

Ўзида параметрларнинг идентификаторлари, бошланғич ва жорий ҳолат векторини оптимал баҳолагичларини мужассамлаштирувчи ва куйидагича ёзиладиган адаптив кузатувчиларни кўриб чиқамиз:

$$x(k+1) = Ax(k) + Bu(k), \quad x(0) = x_0, \quad (18)$$

$$y(k) = Cx(k), \quad k = 0, 1, 2, \dots, \quad (19)$$

бу ерда: $x(k) \in R^n$ – номаълум жорий ҳолат вектори; $x(0) \in R^n$ – номаълум бошланғич ҳолат вектори; $u(k) \in R^r$ – кириш вектори, $r \leq n$; $y(k) \in R^m$ – чиқиш вектори; A ва B – куйидаги кўринишларга эга бўлган номаълум матрицалар:

$$A = \begin{bmatrix} 0 & I_{n-1} \\ a^T \end{bmatrix}, \quad a^T = [a_1, a_2, \dots, a_n], \quad B = \begin{bmatrix} 0 \\ B^* \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} 0 & \dots & 0 \\ b_1 & b_2 & \dots & b_r \end{bmatrix}, \quad C = [I_m : 0_{n-m}]$$

бунда: I_{n-1} – бирлик $(n-1) \times (n-1)$ матрица; $b_i^T = [b_{i,m+1}, b_{i,m+2}, \dots, b_{i,n}]$, $1 \leq i \leq r$; I_m – бирлик $m \times m$ матрица; 0_{n-m} – нулли $m \times (n-m)$ матрица.

Объект параметрларини идентификациялаш амалларини кўриб чиқамиз. Шу мақсадда, дастлаб объектнинг моделлари (18) ва (19) асосида кириш-чиқиш маълумотларининг векторлари ва матрицалари шакллантирилади:

$$\begin{aligned} & y_i(0), \quad i = 1, 2, \dots, m; \\ & Y_j^T = [y_j(0), y_j(1), \dots, y_j(n-1+Nr)], \quad j = 1, 2, \dots, m; \\ & \bar{Y}_m^T = [y_m(1), y_m(2), \dots, y_m(n+N(r+1))]; \end{aligned}$$

$$U_{1i} = \begin{bmatrix} 0 & 0 & \dots & 0 & 0 \\ u_i(0) & 0 & \dots & 0 & 0 \\ u_i(1) & u_i(0) & \dots & 0 & 0 \\ \vdots & \vdots & \vdots & \vdots & \vdots \\ u_i(N-2) & u_i(N-3) & \dots & u_i(0) & 0 \end{bmatrix}, U_{1i}, (1 \leq i \leq r) - N \times N;$$

$$U_{2i} = \begin{bmatrix} u_i(N-1) & u_i(N-2) & \dots & u_i(0) \\ u_i(N) & u_i(N-1) & \dots & u_i(1) \\ u_i(N+1) & u_i(N) & \dots & u_i(2) \\ \vdots & \vdots & \vdots & \vdots \\ u_i(n-2+N(r+1)) & u_i(n-3+N(r+1)) & \dots & u_i(n-1+Nr) \end{bmatrix}, U_{2i}, (1 \leq i \leq r);$$

$$Y_{m,m+1} = \begin{bmatrix} y_m(1) & y_m(2) & \dots & y_m(N) \\ y_m(2) & y_m(3) & \dots & y_m(N+1) \\ y_m(3) & y_m(4) & \dots & y_m(N+2) \\ \vdots & \vdots & \vdots & \vdots \\ y_m(n+Nr) & y_m(n+1+Nr) & \dots & y_m(n-1+N(r+1)) \end{bmatrix}.$$

Кейин $\hat{h}_1, \hat{h}_2, \dots, \hat{h}_r, \hat{a}$ ва $\hat{\eta}(0)$ векторлар, бу ерда: $\hat{h}_i^T = [\hat{h}_{i,m+1}, \hat{h}_{i,m+2}, \dots, \hat{h}_{i,n}]$, $1 \leq i \leq r$, $\hat{a}^T = [\hat{a}_1, \hat{a}_2, \dots, \hat{a}_n]$, $\hat{h}^T = [\hat{h}_1(0), \hat{h}_2(0), \dots, \hat{h}_N(0)]$ лар қуйидаги кўринишга эга бўлган чизикли алгебраик тенгламлар системаси ёрдамида ҳисобланади:

$$\Omega \hat{\Theta} = \bar{Y}_m, \quad (20)$$

бу ерда: $\Omega_1 = \left[\begin{array}{c|c|c|c|c|c|c|c|c|c} U_{11} & U_{12} & \dots & U_{1r} & 0_{1,r+1} & & & I_{1,r+2} & & \\ \hline U_{21} & U_{22} & \dots & U_{2r} & Y_1 & Y_2 & \dots & Y_m & Y_{m,m+1} & 0_{2,r+2} \end{array} \right]$ – квадрат матрица, $0_{1,r+1}$ – нулли $N \times (N+m)$ матрица, $I_{1,r+2}$ – $N \times N$ матрица, $0_{2,r+2}$ – ўлчами $\hat{\Theta}^T = [\hat{h}_1^T : \hat{h}_2^T : \dots : \hat{h}_r^T : \hat{a}^T : \hat{\eta}^T(0)]$ бўлган нулли матрица.

Векторлар \hat{b}_i (бунда $(1 \leq i \leq r)$, $\hat{b}_i^T = [\hat{b}_{i,m+1}, \hat{b}_{i,m+2}, \dots, \hat{b}_{i,n}]$) қуйидаги алгебраик тенгламалар системаси ёрдамида ҳисобланади:

$$T \hat{b}_i = \hat{h}_i, \quad (1 \leq i \leq r),$$

бу ерда: T – чап учбурчакли $N \times N$ теплицева матрица.

(20) системани ечиш учун қуйидаги мунтазам итерацион схемадан фойдаланамиз. (20) тенгламалар системасидаги матрица Ω тартиби $p = N(r+1) + n$ бўлган матрица деб ҳисоблаймиз. Матрица Ω ни қуйидаги кўринишда ифодалаймиз:

$$R \Omega = L Q^T; \quad (21)$$

бу ерда: R – ўзгартиришларнинг натижавий матрицаси; Q – ортогонал $p \times p$ -матрица; L – чап учбурчакли матрица.

Ўнг қисми учун векторлар кетма-кетлигини курамиз:

$$d_1 = (0, \dots, 0, 1)^T, \quad d_2 = \mu_1 d_1 - s_1 t_1, \quad \dots, \quad d_{p+1} = \mu_p d_p - s_p t_p.$$

d_{p+1} ни бирлик сўнги компонентга меъёрлаштириб, вектор $\tilde{\theta}$ – (20)

система ечимига яқинлашишни топамиз. Ечим $\tilde{\theta}$ ни аниқлаштириш учун қуйидаги итерацион жараённи қўллаш мақсадга мувофиқ:

$$z_{k+1} = \alpha(\Omega + \alpha I)^{-1} z_k + (\Omega + \alpha I)^{-1} \bar{Y}_m, \quad z_0 = \tilde{\theta}, \quad k = 0, 1, \dots, \quad \alpha > 0. \quad (22)$$

(22) итерацион схема система учун кетма-кет яқинлашиш усулини амалга оширади:

$$(\Omega + \alpha I)z = \alpha z + \bar{Y}_m.$$

Келтирилган алгоритмлар бошқариш объектларининг параметрларини мунтазам ҳисоблаш амаллари асосида турғун идентификациялаш ва шу билан биргаликда адаптив кузатувчи қурилмаларнинг ишлаш сифатини ошириш имконини беради.

Шунингдек, бу ерда динамик объектларни бошқариш системаларидаги ғалаёнларнинг адаптив кузатувчиларини ва объектнинг параметрлари номаълум бўлганда бошқарувчи адаптив кузатувчиларни синтезлаш масалалари кўриб чиқилган. Уларни амалга оширишда функционалларни минималлаштиришнинг ҳисоблаш схемалари самарали эканлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «Синтезлашнинг ишлаб чиқилган алгоритмларини газли аралашмаларни адсорбцион ажратиш технологик жараёнини бошқариш масалаларида қўлланилиши» номли тўртинчи бобида стохастик ҳолат кузатувчилари асосида ишлаб чиқилган алгоритмларни қўллаш натижалари келтирилган.

Адсорбция жараёни учун бошқариш ва ғалаён каналида кечикишли модель олинган. Дифференциал тенгламанинг параметрлари аниқ номаълум бўлиб, улар кўпгина омиллар (адсорбернинг геометрик ўлчамлари, концентрация ва босимни ўлчаш аниқлиги, термодинамик параметрларнинг доимий эмаслиги, адсорбер ташкил этувчиларининг эскириши ва ишдан чиқиши) га боғлиқ. Шунингдек параметрларни априор тасаввурлар ёки назарий (жадвалий маълумотларни ва адсорбер параметрларини ҳисоблаш йўли билан) танлаш ҳамда уларнинг ўзгаришини етарли аниқликда кузатишнинг имкони йўқ. Шу билан биргаликда, адсорбция жараёнини ўтказилган таҳлили таъсирларни узатиш каналларининг динамик моделларини структуралари ҳақидаги баъзи априор ахборотларни олиш имконини беради.

Газни қуритиш жараёнини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар сифатида қуйидаги ўзгарувчилар кўриб чиқилди:

Бошқариш параметрлари $u=(u_1, u_2)$, бу ерда u_1 – адсорбер киришида газли аралашманинг сарфи; u_2 – адсорбер киришида газли аралашманинг босими;

Чиқиш параметрлари $y=(y_1, y_2)$, бу ерда y_1 – сорбентнинг концентрацияси; y_2 – адсорбердан чиқишда газли аралашманинг ҳарорати.

Қуйида, тадқиқотнинг тажрибавий усуллари асосида таъсирларни узатишни асосий каналлари бўйича олинган, адсорбция жараёнининг динамик тавсифлари келтирилган.

$$1. u_1 \rightarrow y_1: \frac{0,021}{(16,5p+1)(12,7p+1)(8,6p+1)} = \frac{0,021}{1802p^3 + 460,7p^2 + 37,8p + 1},$$

$$\tilde{x} = \begin{bmatrix} -0.2556 & -0.0839 & -0.07103 \\ 0.25 & 0 & 0 \\ 0 & 0.03125 & 0 \end{bmatrix} \tilde{x} + \begin{bmatrix} 0.03125 \\ 0 \\ 0 \end{bmatrix} \sqrt{\Delta p(t-5)};$$

$$2. u_1 \rightarrow y_2: \frac{0,005}{(21,3p+1)(18,2p+1)(13,0p+1)} = \frac{0,005}{5040p^3 + 901,2p^2 + 52,5p+1},$$

$$\tilde{x} = \begin{bmatrix} -0.1788 & -0.08334 & -0.0508 \\ 0.125 & 0 & 0 \\ 0 & 0.03125 & 0 \end{bmatrix} \tilde{x} + \begin{bmatrix} 0.01563 \\ 0 \\ 0 \end{bmatrix} \sqrt{\Delta p(t-5)};$$

$$3. u_2 \rightarrow y_1: \frac{0,17}{(15p+1)(9p+1)(4p+1)} = \frac{0,17}{540p^3 + 231p^2 + 28p+1},$$

$$\tilde{x} = \begin{bmatrix} -0.4278 & -0.2074 & -0.1185 \\ 0.25 & 0 & 0 \\ 0 & 0.0625 & 0 \end{bmatrix} \tilde{x} + \begin{bmatrix} 0.125 \\ 0 \\ 0 \end{bmatrix} \sqrt{\Delta p(t-5)};$$

$$4. u_2 \rightarrow y_2: \frac{0,0035}{(18,4p+1)(16,7p+1)(11,3p+1)} = \frac{0,0035}{3472p^3 + 703,9p^2 + 46,4p+1},$$

$$\tilde{x} = \begin{bmatrix} -0.2027 & -0.1069 & -0.03686 \\ 0.125 & 0 & 0 \\ 0 & 0.0625 & 0 \end{bmatrix} \tilde{x} + \begin{bmatrix} 0.01563 \\ 0 \\ 0 \end{bmatrix} \sqrt{\Delta p(t-5)}.$$

Олинган динамик моделларни таҳлил қилиш, кўриб чиқиладиган объектнинг энг муҳим канали $u_2 \rightarrow y_1$ – «адсорбер киришида газ босими – адсорбер чиқишида газдаги суюқлик (сорбент) концентрацияси» эканлигини кўрсатди. Бу ҳолат, ушбу канал энг катта кучайтириш коэффициентини ва энг кичик инерционликка эга эканлиги билан белгиланади. Шу сабабдан системани синтезлашни адсорбер киришидаги газ босими – бошқариш параметри асосида амалга оширамиз.

Қаралаётган жараёни адаптив бошқариш масаласини кўриб чиқамиз. Адсорберда жараёни кечишини қуйидаги тенгламалар орқали ифодалаш мумкин:

$$\begin{aligned} Q(p)y(t) + F(p)y(t-\tau) &= kR(p)u(t); \\ p^i y(\lambda) &= \theta_i(\lambda), \lambda \in [-\tau, 0], i = 0, 1, \dots, n-1; \end{aligned} \quad (23)$$

бу ерда: $u(t) \in R$, $y(t) \in R$, $Q(p)$, $R(p)$, $k > 0$, $F(p)$ – дифференциал оператор; $\tau > 0$ – кечикиш вақти; $\theta_i(\lambda) \in C_\tau$.

(23) объектнинг ростланадиган чиқиш катталиклари ўтиш жараёнларини талаб этилган сифатини эталон модели тенглама билан берамиз:

$$Q_m(p)y_m(t) = k_m R_m(p)r(t); \quad (24)$$

бу ерда: $y_m(t) \in R$ – эталон моделнинг чиқиши; $r(t) \in R$ – топшириқ таъсири; $Q_m(p)$, $R_m(p)$ – маълум доимий коэффициентли чизикли операторлар.

Кузатиш хатолиги $e(t) = y(t) - y_m(t)$ учун тенгламани қуйидаги кўринишда берамиз:

$$Q_m(p)e(t) = kR_m(p) \left[u(t) + \frac{\Delta R(p)}{R_m(p)} u(t) - \frac{\Delta Q(p)}{kR_m(p)} y(t) - \frac{F(p)}{kR_m(p)} y(t-\tau) - \frac{k_m}{k} r(t) \right]; \quad (25)$$

бу ерда: $\Delta Q(p) = Q(p) - Q_m(p)$, $\Delta R(p) = R(p) - R_m(p)$.

Бошқариш қонунини қуйидаги кўринишда қабул қиламиз:

$$u(t) = T(p)\bar{v}(t), \quad v(t) = c^T(t)w(t); \quad (26)$$

бу ерда: $T(p)$ – чизикли оператор; $\bar{v}(t)$ – ёрдамчи бошқариш таъсир $v(t)$ нинг

баҳоси; $w(t)$ – регрессия вектори.

Бошқариш қонуни (26), филтърлар (25) ва вектор $w(t)$ ни эътиборга олган ҳолда (25) ифодани қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$Q_m(p)e(t) = kT(p)R_m(p)[(c(t) - c_0)^T w(t) + \Delta(t)]; \quad (27)$$

бу ерда: c_0 – номаълум параметрлар вектори; $\Delta(t) = \bar{v}(t) - v(t)$.

Бошқариш қонуни (26) ни амалга ошириш учун кузатувчидан фойдаланамиз ва фақат кузатувчининг киришига $v(t)$ сигнал берилади:

$$\dot{\xi}(t) = G_0 \xi(t) + D_0(\bar{v}_2(t) - v_2(t)), \quad \bar{v}_2(t) = L \xi(t). \quad (28)$$

Унда, $\dot{\eta}(t) = \mu^{-1} G \eta(t) + b \dot{v}_2(t)$, $\bar{\Delta}(t) = \mu^{\gamma-2} L \eta(t)$ натижаларни эътиборга олган ҳолда (27) ни қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\dot{\varepsilon}(t) = A \varepsilon(t) + B[(c(t) - c_0)^T w(t) + \mu^{\gamma-2} L \eta(t)]; \quad e(t) = L \varepsilon(t); \quad (29)$$

бу ерда: $\varepsilon(t) \in R^n$ – (29) нинг ҳолат вектори; A , B ва L – (27) дан (29) га ўтишда олинган, мос ўлчамлардаги матрицалар.


Маълум $\alpha > 0$, $\beta > 0$ ва $\mu \leq \mu_0$ қийматларда, бошқариш қонуни (26), филтърлар (25), кузатувчи (28) ва мослашиш алгоритми $\dot{c}(t) = \alpha e(t)w(t) - \beta e^2(t)c(t)$ дан иборат бўлган бошқариш системаси мақсадли шарт (29) ни таъминлашини кўрсатиш мумкин.

Агар бошқариш қонуни ва параметрларни созлаш алгоритми қуйидаги кўринишга эга бўлса, бошқариш жараёнларини сифатини ошириш мумкин:

$$\Delta p(t) = u^2(t) = (\dot{\xi}_2(t) + 2\xi_2(t) + \xi_1(t))^2; \\ \dot{c}(t) = -0,3e_1(t)\bar{w}(t - 300);$$

бу ерда: $T(p)\bar{w}(t) = w(t)$.


Газларни адсорбциялаш жараёнини адаптив бошқариш системасини, келтирилган ифодаларга мос равишда, қуйидаги кўринишда акс эттириш мумкин:



1-расм. Адсорбция жараёнини адаптив бошқариш системаси

2,а-расмда канал $u_2 \rightarrow y_1$ бўйича моделлар учун мавжуд дастурий бошқариш (ДБ), тақлиф этилган адаптив бошқариш системаси (АдБС) ва эталон модел (ЭМ) да концентрация $y(t)$ бўйича ўтиш жараёнларининг натижалари келтирилган. Адсорберда бошланғич шартлар нолга тенг, яъни $y(0) = \dot{y}(0) = \ddot{y}(0) = 0$ деб қабул қилинди. 2,б-расмда бошқариш таъсирини

амалга ошириш келтирилган, 2,в-расмда эса кузатиш хатолиги $e(t)$ бўйича ўтиш жараёни келтирилган.



2-расм. Чиқиш ўзгарувчилари бўйича ўтиш жараёни (а); бошқариш таъсирини амалга ошириш (б); кузатиш хатолиги $e(t)$ (в) бўйича ўтиш жараёни.

2-расмдан кўринади-ки, ишлаб чиқилган бошқариш системаси кўриб чиқилаётган жараён учун етарлича аниқликка, шунингдек бошқариш каналида кечикиш вақти мавжуд бўлганда, ростлашнинг динамик жараёнларини қаноатлантирувчи сифатга эга. Олинган ўтиш жараёнлари топшириқ таъсирига жавобларида катта бўлмаган ростлаш вақтини намоён этмоқда. Ростлаш вақтининг камайиши жараён инерционлиги ва бошқариш таъсирини чегараланганлиги кўринишидаги қийинчиликларни акс эттиради.

ХУЛОСА

Диссертацияда тизимли таҳлил, автоматик бошқариш системалари назарияси, динамик филтрлаш ва нокоррект қўйилган масалаларни ечиш усуллари асосида стохастик ҳолат кузатувчилари асосида технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот нўҳоясида қуйидаги илмий натижалар олинган:

1. Кириш сигналлари номаълум бўлган шароитда, оптимал динамик филтрлаш назарияси асосида таъсирларни кузатиш қурилмаларини

синтезлашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган. Олинган алгоритмлар динамик бошқариш объектларининг номаълум кириш таъсирларини тиклаш амалларини самардорлигини ошириш ҳамда ушбу баҳоларнинг ҳақиқий қийматларга мувофиқлигини таъминлаш имконини беради.

2. Аниқланмаган матрицаларни турғун мавҳум ўзгартириш усули асосида динамик системаларнинг ҳолати ва ғалаёнларини баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқилган. Таклиф этилган алгоритмлар кузатувчи қурилмалар учун бошланғич шартларни барқарор баҳолашнинг соддалашган ҳисоблаш амалларини синтезлаш имконини беради.

3. Оптимал стохастик кузатувчилар назарияси асосида пасайтирилган тартибли кузатувчини синтезлашнинг мунтазам алгоритмлари таклиф этилган. Ушбу алгоритмлар филтрлаш жараёнининг номувофиқлик ҳодисасини бартараф этиш ва системанинг ўзгарувчан ҳолатларини баҳолаш аниқлигини ошириш имконини беради.

4. Соддалашган мунтазамлаштиришнинг ретроспектив ва итерацион усуллари асосида адаптив кузатувчини синтезлашнинг мунтазам алгоритмлари ишлаб чиқилган. Таклиф этилган алгоритмлар ташқи таъсирларни бевосита ўлчашни имкони бўлмаган ҳолларда динамик объектларни инвариант бошқариш системаларини синтезлаш масаласини самарали ечиш имконини беради.

5. Динамик объектларни бошқариш системаларида моделларни кенгайтириш тамойили асосида ғалаёнлар адаптив кузатувчиларини синтезлаш алгоритмлари таклиф этилган. Жараёнини адаптив барқарорлашнинг олинган алгоритмлари, аниқланмаган ташқи ғалаёнлар мавжуд бўлганда, кўрилаётган жараёнини бошқариш системалари сифат кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

6. Бошқариш объектининг ҳолат вектори ва номаълум параметрларга мослашувчан бўлган кузатувчи қурилмаларни синтезлашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган. таклиф этилган алгоритмлар чизиқли стационар системаларнинг ҳолатлари ва номаълум параметрларини баҳолашнинг турғун амалларини амалга ошириш имконини беради.

7. Динамик объектларни бошқариш системаларидаги адаптив кузатувчиларни синтезлашнинг мунтазам алгоритмлари ишлаб чиқилган. Таклиф этилган алгоритмлар бошқариш объектларининг параметрларини турғун идентификациялашни амалга ошириш ва шу билан биргаликда адаптив кузатувчи қурилмаларни ишлаш сифатини ошириш имконини беради.

8. Объектни номаълум параметрлари билан бошқарувчи адаптив кузатувчининг барқарор синтезлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритмларда объектнинг номаълум параметрлари объектни адаптив кузатиш жараёнидан фойдаланишга имкон берадиган ростлагич параметрларининг «зарурий» қийматига мос келади.

9. Стохастик ҳолат кузатувчиларини синтезлашнинг ишлаб чиқилган алгоритмлари асосида газни адсорбциялаш жараёнини адаптив бошқариш системаси ишлаб чиқилган. Таклиф этилган адаптив бошқариш системаси жараёнини кечишининг технологик режимини барқарорлаш ҳамда унинг ишлаш сифати ва самардорлигини ошириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.03.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РАСУЛЕВ АЛИАКБАР ХАМИДУЛЛАЕВИЧ

**АЛГОРИТМЫ СИНТЕЗА СИСТЕМ АДАПТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ
ТЕХНОЛОГИЧЕСКИМИ ОБЪЕКТАМИ НА ОСНОВЕ
СТОХАСТИЧЕСКИХ НАБЛЮДАТЕЛЕЙ СОСТОЯНИЯ**

**05.01.08 - Автоматизация и управление технологическими процессами
и производствами**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.3.PhD/Т312.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Игамбердиев Хусан Закирович**
доктор технических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Каипбергенов Батирбек Тулепбергенович**
доктор технических наук, профессор

Туляганов Шухрат Дильшатович
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Ведущая организация: **Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано №86). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019 года)

Н.Р.Юсупбеков

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

У.Ф.Мамиров

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам

А.М.Назаров

Заместитель председателя
научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в области автоматизации технологических процессов и производств особое внимание уделяется разработке методов и алгоритмов синтеза адаптивных систем управления технологическими объектами различного функционального назначения. В последние несколько лет эти требования стали смещаться в сторону исследования процессов с полностью или частично неизвестной динамикой, которые требуют создания более совершенных систем управления с высоким уровнем возможностей по принятию решений. В этой области разработка алгоритмов синтеза систем адаптивного управления технологическими объектами на основе стохастических наблюдателей состояния является одной из важных задач. В развитых странах большое внимание уделяется решению теоретических задач идентификации, динамического оценивания, адаптивного управления технологическими процессами и их практическому применению в различных отраслях промышленности.

В мире осуществляются научные исследования, направленные на повышение качества управления различными технологическими процессами. В этой связи особое значение уделяется разработке систем адаптивного управления технологическими объектами на основе стохастических наблюдателей состояния.

В настоящее время в Республике уделяется большое внимание направлениям автоматизации и управлению, в том числе созданию систем усовершенствованного управления, обеспечивающих энерго- и ресурсосбережение при автоматизации и управлении различными технологическими процессами и производствами. В Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы обозначены задачи «...сокращения энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий, повышения производительности труда в отраслях экономики»¹. В этом аспекте создание систем адаптивного управления технологическими объектами на основе стохастических наблюдателей состояния является весьма актуальной.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП–4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлениями №ПП-1730 от 21 марта 2012 года «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий» и №ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых документах,

¹Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» УП–4947 от 7 февраля 2017 года.

принятых в данной сфере.

